

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04.30.2019.TiB.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

ДЖУМАЕВ ЗУХРИДДИН ФУРКАТОВИЧ

**“ДЕРМАТОЗ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН БЕМОРЛАРДА СУРУНКАЛИ
ТАРКАЛГАН ПАРОДОНТИТНИНГ КЛИНИК КЕЧИШИННИНГ
ХУСУСИЯТЛАРИ”**

14.00.21- Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Джумаев Зухриддин Фуркатович. “Дерматоз билан хасталанган беморларда сурункали таркалган пародонтитнинг клиник кечиши хусусиятлари”.....3

Джумаев Зухриддин Фуркатович. “Особенности клинического течения хронического генерализованного пародонтита у больных дерматозами”.....26

Djumaev Zukhriddin Furkatovich. “Features of the clinical course of chronic generalized periodontitis in patients with dermatoses”.....53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04.30.2019.ТІВ.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

ДЖУМАЕВ ЗУХРИДДИН ФУРКАТОВИЧ

**“ДЕРМАТОЗ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН БЕМОРЛАРДА СУРУНКАЛИ
ТАРКАЛГАН ПАРОДОНТИТНИНГ КЛИНИК КЕЧИШИНИНГ
ХУСУСИЯТЛАРИ”**

14.00.21- Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1229 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган. Ё

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ва «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz)

Илмий раҳбар:

Гаффоров Сунатулло Амруллоевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Алдашева Мая Ахметовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Қозоғистон)

Камилов Хайдар Позирович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**И.К. Ахунбаев номидаги Қирғизистон
Давлат Медицина Академияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.04.30.2019.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси 103-уй. Тел.: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: tdsi2016@mail.ru.

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси 103-уй. Тел.: (+99871) 230-20-65.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Н.К. Хайдаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Л.Э.Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

У.А. Шукурова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда пародонт касалликлари стоматология амалиётида долзарб ва ҳозирги кунгача ечимини топмаган муаммолардан биридир. Айниқса, тишларни эрта йўқотилишига асосий сабабчи бўлган - сурункали таркалган пародонтит (СТП) аҳоли орасида 86-88% таркалган булиб биринчи навбатда организмнинг резистентлик омилларининг ўзгариши билан боғлиқлиги асослаб берилган, жумладан патоген микрофлоранинг ҳаётий фаолияти маҳсулотлари пародонт тўқималари деструкциясини чақирувчи гидролитик энзим, простагландин, цитокин секрециясини фаоллаштириши такидланган. Ҳозирги кунда, статистик маълумотларга кўра "...дунё бўйлаб пародонт касалликлари билан 35-44 ёшдаги аҳолининг 65-98% қисми, мактаб ёшидаги болаларнинг 60-90%, катталарда 100% тиш кариеси учрайди. 65-74 ёшдагиларнинг 30% да табиий тишлар буткул бўлмайдилар..."¹. Тамаки чекиш, нурланиш, оғиз гигиенасига риоя қилмаслик инсониятнинг маҳаллий ва умумий узига хос булмаган ҳимоясини пасайишига сабаб булувчи, шунингдек, оқибатда сурункали таркалган пародонтитни келтириб чиқарувчи ҳавф омиллари эканлиги маълум. Бироқ бугунги кунга келиб, тиббиётда дерматоз патологиясида организмда кузатилаётган детерминик омиллар пародонт тўқимаси фаолиятига салбий таъсири мавжудлиги туғрисида турлича жиддий қарашлар мавжудлиги, мазкур тадқиқотнинг ушбу жиҳатдан долзарблигини белгилайди.

Жаҳонда, сўнги йилларда пародонтитни этиопатогенезини ўрганиш йўналишида кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилиб, бу борада ижобий натижалар олишга эришилди. Ҳозирги кунда вулгар пўрсидоқ яра билан хасталанган беморларни кортикостероидлар билан даволайдилар, улардан эски тошмалар тўлиқ регресс бўлиб, янги тошмалар тўхтамагунча, кўллаб турувчи гормон дозаларни ҳар вақт титрлаб фойдаланилади (О.Ф.Рабинович, 2014; С.Б.Ткаченко, 2015). Шу билан бирга бундай беморларда терапиянинг анъанавий воситаларига резистентлик шаклланади, шу муносабат билан, бундай беморларни даволашда ноанъанавий медикаментоз бўлмаган усуллар, жумладан лазер терапияси билан даволаш тобора кўпроқ қўлланилмоқда (А.В.Картелишев, 2014; R.T.Plott, 2014).

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, турли омиллар таъсирида стоматологик касалликларнинг кўпайишини олдини олиш, ташхислаш, даволаш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда "...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилиш

¹WHO's work on oral health Fact Sheet.-2012.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида" ги ПФ-5590-сонли қарори.

тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш...”² каби вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиёт маълумотларини урганиш давомида, одатда асосан тери, пародонт тўқималари ва ОБШКда пўрсилдоқ яралари учраши куп бора такидланган; масалан, у барча дерматозларнинг 0,15% да акс этиб, иккита асосий шаклда - вулгар ва баргсимон пўрсилдоқ яра клиникасида намоён бўлади (О.А.Успенская, 2017; В.В. Чеботарев, 2014; Giannetti L., Generali L., Bertoldi C., 2018). Айни вақтда, 90% ҳолатларда пўрсилдоқ яра оғиз бўшлиғи шиллик қавати ва лаб кизил хошиясида дастлаб пайдо бўлади ва узок муддат давомида касалликнинг ягона белгиси бўлиб ифодаланади (Н.В. Махнева, Н.П.Теплюк, 2017).

Ўзбекистонда вулгар пўрсилдоқ яра билан хасталанган беморларда даволаш максатида кортикостероид дори воситалари кенг қулланилади, яъни эски тошмалар тўлиқ регрессияга учрамагунча, янги тошмалар тўхтамагунча, гармон дозаларни ҳар вақт титрлаб фойдаланилади. ОБШК да эрозиялар анча секин битади, касалликнинг давомийлиги инфекция кўшилиши ҳамда гигиена даражасининг пастлиги, интенсив кариоз жараёни билан мураккаблашиб боради. Шунингдек адабиётларда акантолитик пўрсилдоқ яранинг(АПЯ) клиник шакллари: вулгар пурсилдоқ (*pemphigus vulgaris*) – шу турдаги яраларнинг бошқа турларига нисбаттан кенг тарқалган (80% гача); баргсимон пурсилдоқ (*pemphigus foliaceus*) 9 - 20% гача, вегетатив пурсилдоқ (*pemphigus vegetans*) 2,5 - 15% гача, эритематоз шакли (*pemphigus erythematosus*) 2 - 10% гача, шунингдек вулгар пўрсилдоқ яра 51 – 71 % ҳолатда аёллар орасида учраши кузатилади. Республикамизда эса, вулгар пўрсилдоқ яра 50% дан 75% гача (Х.П. Комилов, У.А. Шукурова ва бошқалар).

Мазкур касалликнинг этиопатогенези аутоиммун тизим билан боғлиқлиги, яъни, пўрсилдоқнинг ривожланиши асосида десмосомлар тузилишида ва фаолият бузилишида иштирок этувчи IgG гуруҳи аутоантитаналар ва эпидермис антигенларига айланиб турувчи антитаналар эканлиги такидланган.

Шундай қилиб, ушбу йўналишда мавжуд бўлган маълумотларни таҳлил қилиб айтиш мумкинки, дерматоз билан хасталанган беморларда оғиз бўшлиғи органлари томонидан ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар тери патологияси ва стоматологик касалликлар ўртасидаги муносабатлар концепцияси шакллантириш учун етарли эмас. Ушбу тизимлар ўртасидаги муносабатлар шубҳасиздир, бу эса ўз ўрнида мазкур тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг бажарилган олий ўқув юртининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг илмий ишлари режасига мувофиқ №011400196 “Стоматологик касалликларни ташхислашда янги технологиялар (2014-2019) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Дерматоз билан хасталанган беморларда сурункали тарқалган пародонтитнинг клиник кечиши хусусиятлари ва учраши частотасини урганиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

дерматознинг пўрсилдоқ ярали шакли билан хасталанган беморлар орасида сурункали тарқалган пародонтитнинг тарқалиши даражаси ва унинг клиник жихатларини баҳоланган;

пўрсилдоқ шаклидаги ярали жароҳатларда пародонтит касалликларининг структуравий таркибини ўрганилган;

пурсилдоқ шаклидаги ярали жароҳатларда пародонтит касалликларини даволашга эҳтиёж хажмини аниқланган;

пўрсилдоқ шаклидаги яраларда стоматологик даволаш-профилактика тадбирлари, пародонтологик ёрдам курсатиш йўналишидаги мутахасис ёндошуви башоратланган.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ТошВМОИнинг “Тери-таносил касалликлари” ҳамда “Стоматология, болалар стоматологияси ва ортодонтия” кафедрасига мурожаат этган 25-60 ёш оралиғидаги 300 нафар бемор; шундан 154 та бемор дерматоз билан хасталанган, уларнинг 98 таси дерматознинг пўрсилдоқ шаклли яраси ва бир вақтда сурункали тарқалган пародонтит билан жароҳатланганлар; қолган 146 бемор дерматоз билан хасталанмаган гуруҳ ташкил қилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида сурункали тарқалган пародонтит ва дерматоз билан бир вақтда хасталанган беморлар, оғиз бўшлиғи шиллик қавати жароҳатлари, пародонт туқимаси, сўлак, қон ва жароҳат элементларидан экмалар олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, стоматологик, клиник-функционал, биокимёвий, иммунологик, микробиологик, гистоморфологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

дерматознинг пурсилдоқ яраси билан хасталанган беморлар орасида стоматологик касалликнинг учраш даражаси, структураси ва пародонтологик ёрдамга муҳтожлик даражаси илк бор асосланган.

дерматознинг пурсилдоқ шакли ва пародонтит билан бир вақтда хасталанганларда ўзига хос стоматологик ёрдамни кўрсатиш натижасида пўрсилдоқ яра билан хасталанган беморларга стоматологик ёрдам кўрсатишнинг янгича комплекс ёндошув асосланган.

дерматознинг пурсилдоқ шакли ва пародонтит билан хасталанган беморларда қоннинг умумий ва биокимевий таҳлилида гемоглобин концентрацияси, лейкоцитлар, тромбоцитлар сони, эритроцитлар чўкиш тезлиги, глюкоза ҳамда С-реактив оқсил курсатгичларидаги салбий ўзгаришлар касалликнинг клиник кечиши, таснифи ва учраш частотаси билан ўзаро боғлиқлиги асосланган.

дерматознинг пурсилдоқ шакли ва пародонтит билан хасталанган беморларда прооксидант малон алдегиди, қон зардоби ўрта вазн молекулалар ва антиоксидант тизимларидаги, сезиларли салбий ўзгаришлар асосида касалликни ташхислаш ва даволашдаги ахамияти асосланган.

дерматознинг пурсилдоқ шакли ва пародонтит билан хасталанган беморларда морфологик тавсифга хос бўлган Тцанка хужайралари эрозия тубида кузатилиши ва интерлейкин ИЛ-4, ИЛ-6 миқдоридаги салбий ўзгаришларни баҳолашдаги ахамияти, касалликнинг клиник кечишидаги хослиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

дерматознинг пурсилдоқ шакли ва пародонтит билан бир вақтда хасталанган беморларда сурункали тарқалган пародонтитнинг учраш даражаси, клиник кечишидаги ўзига хослиги илк бор асосланган.

дерматознинг пўрсилдоқ шакли ва пародонтит билан бир вақтда хасталанган беморларда стоматологик патологиянинг шаклланиши хусусиятлари ва омиллари касалликларнинг ривожланишини олдини олиш бўйича илмий асосланган дастурлар тавсия этилган;

тери-таносил патологияси ва стоматологик касалликларни бир вақтда ўзига хос кечиши туғрисида илмий-амалий натижалар, беморларга махсус ёндошув йўналишлари зарурлигини асосланган;

стоматолог мутахасислар томонидан, дерматознинг пўрсилдоқ шакли билан хасталанганлар орасида касалликнинг дастлабки босқичларда ташхислаш асосланган;

ўтказилган тадқиқот материаллари стоматологлар ҳамда дерматовенерологик йўналишдаги стационар-клиник муассасалари амалий фаолиятига ёрдам кўрсатиш хажми ва сифатини оширишга қаратилган бир қатор ташкилий режаларни тақлиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий, бир-бирини тўлдирувчи клиник, биокимевий, иммунологик, микробиологик, гистоморфологик ва статистик усуллардан, шунингдек, танланган контингентнинг етарлича миқдори, туғри танланганлиги, олинган натижаларнинг статистик таҳлил усулларининг оқилона тўплами ва улардан туғри фойдаланиш билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, дерматознинг пўрсилдоқ шакли билан бир вақтда сурункали тарқалган пародонтит хасталиги кузатилиши ўзига хос клиник кечишига, структурасига боғлиқлиги, шунингдек пўрсилдоқнинг тананинг турли сохаларида жойлашишига боғлиқ холда пародонт туқимасидаги яллиғланиш жараёнининг кечиши тавсифи орасида боғлиқлик мавжудлиги, дерматоз хасталиклари юзага келиши келажакда пародонт туқимасининг касалликлари шаклланишига асос булиши туғрисида ишонарли маълумотлар олинган, шунингдек дерматоз хасталикларида пародонт туқимаси касалликларини келиб чиқиши, клиникаси, кечишидаги узига хослиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, дерматоз билан хасталанганларда пародонт туқимасининг сурункали кечадиган яллиғланиш жараёнлари узига хос кечиши тавсифига, ОБШК ва пародонт туқималарида пурсилдоқли жароҳатларнинг жойлашиши ва тананинг бошка сохасида жойлашиши орасида ҳам боғлиқ мавжудлиги амалиётда ташхислаш учун, шунингдек пародонтитнинг сурункали тарқалган шаклининг бир вақтда келиши, ташхислашда ва даволашнинг самарали булишини олдиндан башоратлашга имконият тугдиради.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Текширилган беморларда дерматознинг пурсилдоқ шаклидаги жароҳатланиши ва сурункали тарқалган пародонтит хасталиклари бир вақтда кузатилганлар орасида олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

дерматознинг пўрсилдоқ шакли билан хасталанган беморларда сурункали тарқалган пародонтитнинг клиник кечишининг хусусиятларига қаратилган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган “Пўрсилдоқнинг клиник кечишига қараб сурункали умумлаштирилган периодонтитли беморларни даволаш усули” номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 17 мартдаги 8н-р/222-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсияномада пурсилдоқ билан хасталанганларда, пародонтитнинг сурункали тарқалган турининг кечишидаги клиник хослик, структураси ва учраш даражаси туғрисида янги маълумотларни билиш имконини берган;

дерматознинг пўрсилдоқ шакли билан хасталанган беморларда сурункали тарқалган пародонтитнинг клиник кечишининг хусусиятларига қаратилган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган “Пурсилдоқда сурункали умумлаштирилган периодонтитни комплекс даволаш самарадорлигини баҳолаш усули” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 17 мартдаги 8н-р / 221-сонли маълумотномаси). Ушбу услубий тавсияномада пўрсилдоқ ва сурункали пародонтитнинг тарқалган тури билан бир вақтда хасталанганларда даволашга ёндошувнинг самарали натижаларига эришиш учун кўлланиладиган узига хос усулларнинг самараси туғрисида маълумотлар ёритилган.

дерматознинг пўрсилдоқ шаклдаги жароҳатланиши ва сурункали тарқалган пародонтит хасталиклари бир вақтда кузатилганлар орасида олиб борилган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд тиббиёт институтининг Стоматология 1 кафедраси клиник базасида; Бухоро вилоят болалар стоматология поликлиникасида; Наманган вилоят стоматология поликлиникасида ҳамда Тошкент шаҳар №7 сонли шифохонаси амалий фаолиятига тадбиқ этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 16 апрель №8н-д/136-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётига жорий қилиш дерматознинг пурсилдоқ шаклдаги жароҳатланиши ва пародонтитнинг сурункали тарқалган касалликларининг бир вақтда кузатилиши ҳолатларида пародонт касалликларини эрта ташхислаш, харажатларни камайтириш, беморларда ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро илмий ва амалий конференцияларда тақдим этилди ва ҳисобот қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 10 та илмий ишлар нашр этилди, шундан 2 таси республика ва 8 таси хорижий журналларда нашр этилган, асосий илмий натижаларни диссертация билан чоп этиш учун тавсия этилган, 2 та услубий тавсияномалар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий мазмуни 110 саҳифада келтирилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг аҳамияти ва долзарблилигини, тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларини, объект ва мавзуни тавсифлайди, тадқиқотнинг республика фан ва технологиясини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлигини кўрсатади, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаларини, илмий ва амалий аҳамиятини, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этишни, нашр этилган асарлар ва диссертация тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Пўрсилдоқ яра этиологияси, патогенези, даволаниши ва диагностикаси”** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Шарҳда дерматозлар ҳақида; этиологияси, патогенези, клиникаси, даволаши тўғрисида, шунингдек ушбу патологияда стоматологик касалликларнинг бир вақтда кузатилиши, клиник боғлиқликлари, даволаш усуллари тўғрисида фикр юритилади. Оғиз бўшлиғида кечаётган патологик жараёнларда дерматозларнинг аҳамияти мавжудлиги, бирга кечиши ва умумий иммунитет боғлиқликни асослаб берувчи узоқ ва яқин хориж ҳамда республикамиз ҳудудида олиб борилган илмий тадқиқот натижалари, ечимини кутаётган муаъммолар тўғрисида илмий-амалий натижалар атрофича таҳлил қилиб берилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материал ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида фойдаланилган материаллар ва усуллар тўғрисида маълумот берилган. ТошВМОЙнинг “Стоматология, болалар стоматологияси ва ортодонтия” ва “Тери-таносил кассалликлари” кафедраси клиник базаларига мурожат қилган 25-60 ёш оралиғидаги 300 беморларда ретроспектив ва перспектив маълумотлар асосида тадқиқот ўтказилди; улардан 154та дерматоз билан хасталанган ва қайта мурожаат қилган, шундан 98таси дерматознинг пўрсилдоқ яралари ва бир вақтда сурункали тарқалган пародонтит (СТП) билан оғриган бемор (таққослаш гуруҳи); 146 бемор дерматоз билан касалланмаган (шундан 50 таси СТПли бемор) илк бор мурожат этганлар ташкил этиб, текширилганлар ёши бўйича; 25-35; 36-45 ва 46-60 ёш гуруҳларига ва жинсга ажратилди.

Комплекс курик асосан 154 та беморда ўтказилди, шунингдек анамнез йиғилганда пўрсилдоқли беморларнинг асосий ва кўшимча касаллик давомийлигига, ташқи омилларга, тиббий дори воситалар истемол қилиши, аллергологик омиллар ўрганилди. ЖССТ тавсия (1997) асослари бўйича кўриқда пемфигусга чалинган беморларга Green J.C., Vermillion J.K. бўйича КПУ, ИГР – У(ОHI-S), РМА, SPITN ҳисобланиб чиқилди. Шунингдек, кариес ривожланиши жадаллиги КПУ да, гингвит оғирлик даражаси РМА индексида, пародонт туқимаси ҳолати SPITN индексида аниқланди (А.И. Булгакова, 2016).

Тиббий-ижтимоий текшириш барча текширилганларда - тиббий ижтимоий ҳолати ва ҳаёт сифатини баҳолаш “OHIP-14» - Oral Health Impact Profile ҳамда “OHRQoL” - Oral Health-Related Quality of Life га асосланган (О.О. Яриева, 2020) карта асосида аниқланди.

Тадқиқотнинг биокимевий усуллари ёрдамида асосий ва назорат гуруҳ беморларда; қоннинг умумий ва биокимевий таҳлил бир вақтнинг ўзида бир ҳил шароитларда овқат қабул қилишдан олдин ўтказилди. Мазкур таҳлил гемоглобин концентрациясини, лейкоцитлар, тромбоцитлар сонини, эритроцитлар чўкиш тезлигини, глюкозани ҳамда С-реактив оксилни аниқлаш имконини берди. Натижалар олингандан сўнг қон таҳлилининг тўлиқ изоҳланиши амалга оширилади. Бу учун SysmexКХ-21 ва «Микро-Аструп» биокимевий анализаторлардан фойдаланилди.

Кўриқдан утаётганларда эритроцитлардаги малон алдегиди, қон ва қон антиоксидант тизимлари Ю.А.Владимиров ва А.И.Арчаков усули бўйича аниқланди. [10].

Тадқиқотнинг гистоморфологик усуллари ёрдамида Тцанка хужайралари аниқланди. Тадқиқот амалга ошириш мақсадида беморда номаълум этиологияли тери ва шиллиқ пардаларида эрозия ёки пуфакчалар ҳосил қилинди. Биологик материаллар намунасини олиш мутахассислар ёрдамида шифохонада амалга оширилди; беморни текшириб, эрозиялар танланди; Резина бантининг стерил бир қисми олиниб ва ОБШҚ учун танланган нуқсонларга қўлланилди; шиша стаканларда мазок- излар олинди ва резина ойнага босилди; Романовский-Гимзе бўйича бўялган; сув билан ювилган ва тўлиқ қуригунча қуритилган. Характерли морфологияга эга бўлган Тцанка хужайраларининг мавжудлиги пемфигусдан далолат беради.

Иммунологик тадқиқотлар ёрдамида иммунофермент таҳлилида (ИФА) интерлейкин – ИЛ-4, ИЛ-6 урганилди. Намуна олиш учун беморларга ОБШҚ чайиш таклиф этилди, сўнг таҳлил учун берилган идиш беморларнинг материали билан 1/3 қисмгача тўлдирилиб музлатгичда музлатилиб -20°C ҳарората бир муддат сақланиб кейин тўплам тезкор равишда 37°C эритилди. Тадқиқот «HUMAN» фирмаси планшети, наконечник ва дозаторлар тўплами ёрдамида амалга оширилди.

Иммунологик текшириш усуллари ёрдамида биз - иммун тизим Т-ва В-боғланишлари ва носпецифик реактивлик омилларини аниқладик; жумладан Т-лимфоцитлар сони, Т-ёрдамчилари, Т-супрессорлар, В-лимфоцитлар; сарум иммуноглобулинлар таркиби m, G, A, ЦИК концентрацияси; нейтрофиллар - ФА, ФЧ, спонтан ва огоҳлантирувчи НСТ-тестининг фагоцитик фаоллиги каби омиллар. Бунинг учун 47 бемордан, шундан 38 нафари пародонтит ва пўрсилдоқ билан хасталанганлардан эрталаб оч қоринга томиридан қон олинди. Кўйидаги иммунологик реактивлик ҳолатлари - N.Iondal [24] усулида Е-РУК реакцияси; Т-лимфоцитлар субпопуляцияси; Т-супрессорлар иммунорегуляцион индекс (ИРИ) Т-хелперлар ва Т-супрессорлар ўртасидаги нисбат бўйича аниқланди, қон зардобиди иммуноглобулин А, М, G таркибини аниқлаш Fahey ва McKelvey [32] модификациясига мувофиқ амалга оширилди.

Полиморф лейкоцитлар ядроси оқ қон хужайраларининг юзасига адсорбция қилиш, микробиал тест (тилла ранг стафилококк 209 штаммидан фойдаланилган) амалга оширилди. Фагоцитар фаолияти (ФА), стафилококк


фагоцитацияси ва фагоцитар сони (ФС) ўртача бир хужайра сўрилиши орқали белгиланади (100 хужайралари учун).

Периферик қон лейкоцитлари (ПК) Т-хелперларининг иммунофенотипини ўрганиш учун 38 беморни Dextron Dickinson фирмасининг тўғридан-тўғри икки рангли иммунофлюоресцент тестида моноклонал антитаналарга бўяб чиқилди. Кейин намуналар 10:1 нисбатда эритроцитлар лизиси учун дистилланган сув билан қўшилди (Reagent G-10X Lysing Solution, Becton Dickinson) 10 дақиқа давомида қайта ишланди. Шундан сўнг хужайралар хона ҳароратида центрифуга (5 мин, 300 г) билан қилинди.

Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш учун MS Windows муҳитида Microsoft Office Excel ва STATISTICA 6.0 дастур пакетларини ишлатилди. Ўлчов натижалари микдорий белгилар шаклида тақдим этилади, таҳлил қилиш учун биз мустақил намуналар учун Т-тестини қўлладик. Студентнинг текширувидан фарқли ўлароқ, U-мезон тақсимотнинг нормаллигини текширишни талаб қилмайди, унинг ёрдамида 3 кичик намуналарни кузатуvidан ўтказиш мумкин.


Диссертациянинг **“Клиник тадқиқотларнинг натижалари”** деб номланган учинчи бобида сурункали генераллашган пародонтит шакллари ва дерматозлар билан ҳасталанган беморлардаги ўхшашлик ва клиник тадқиқот натижалари булимида текширилганлар ёши улғайиши сари пўрсилдоқ яра билан ҳасталаниш курсатгичи юқорилашиб бориши келтирилган (кореляция табели $\rho=0,745$, $p>0,05$); жинси бўйича 67 аёл (68,36%) ва 31 эркак (31,63%) ($z=3,223$, $p<0,001$).

Текширилган 98 беморнинг – 47 (47,95%) тасида вулгар пўрсилдоқ яра; 26 тасида (26,53%) эритематоз пўрсилдоқ яра; 22 тасида (22,44%) баргсимон пўрсилдоқ яра ва 2 (2,4%) та беморда вегетатив пўрсилдоқ яра кузатилди. Жойлашиши бўйича оддий пўрсилдоқ ярада 80% гача ОБШҚда, 45% кўкрак қафас соҳасида, 58% қориннинг орқа томонида, 44 % қорин ва лабларда, 46% аногенитал соҳада, 19% бошнинг сочли қисми аниқланди;



1-расм. Пурсилдоқ яранинг танада жойлашиши.

СТП ва пурсилдоқнинг тананинг топографик қисмидаги жойлашиши натижаси куйидагича куринишда; а) «Кўкрак»+СТП 25 бемор (25,52%); «Қорин»+ СТП 13 шахс (13,26%); «Қорининг орқа қисми»+СТП 35 бемор (35,71%); в «Аногенитал соҳа»+СТП 48 бемор (48,97%); «Қўллар»+СТП - 15 бемор (15,30%); «Оёқлар»+СТП- 17 бемор (17,34%); «Юз»+СТП - 51 бемор (52,04%); «Бошнинг сочли қисми»+СТП - 27 бемор (27,55%) ҳамда «Бўйин»+ СТП- 19 беморда кузатилди (19,38%) ($p < 0.001$).



2-расм. СТП ва пурсилдоқнинг тананинг топографик қисмидаги жойлашиши.

Ўтказилган комплексли стоматологик кўрик натижаларига кўра 47 беморда вулгар пўрсилдоқ яра тери ва ОБШҚнинг устида акс эттирилган, асосан милқлар қизаришини кузатса бўлади. Беморларда оғриқли эрозиялар, оғиздан ҳид келишига, истеъмол қилинадиган маҳсулотлар чекланишига, табассум қилолмаслигига ва оғизни тўлиқ очолмаслигига шикоятлар кузатилди. Шу қатори уларда тўлиқона овқатланиш имконияти йўқлиги, кучсизлик, уйқусизлик, сўлак қуюқлашишига шикоятлар ҳам бор эди. Беморларнинг ташқи кўринишига мувофиқ регионал лимфа безлари

шишмаганлигини инобатга олиш керак. 12 (23,07%) беморда оёқ-қўлларда терлаш, лаблари ранги кизарган рангда кечган.

Вулгар шаклдаги пўрсилдоқ ярани огиз бушлигида (ОБ) жойлашиши куйидагича; ҳалқум соҳаси – 5та бемор (9,61%), яноқлар соҳаси – 10та бемор (21,27%), юмшоқ танглай 9та бемор (17,3%), қаттиқ танглай – 5та бемор (9,62%), тил – 10та бемор (19,23%), лаблар – 8та бемор (15,38%); милк ва ҳалқум соҳасида параллел равишда бир вақтнинг ўзида 8та бемор (15,38%), яноқ ва милк соҳасида параллел равишда бир вақтнинг ўзида 12та бемор (23,07%), тил ва милк соҳасида параллел равишда бир вақтнинг ўзида 14та бемор (26,92%) ҳамда лаб ва милк соҳасида параллел равишда бир вақтнинг ўзида 4та беморда кузатилди (8,51%).



3-расм. Вулгар шаклдаги пўрсилдоқ ярани огиз бушлигида жойлашиши.

Текширилган 98 бемор анамнези ва тиббий картасини ўрганиш 35та (35,71%) беморда касалликнинг илк аломатлари – тошмалар эканлиги ва улар пайдо бўлишидан ташҳис қўйгунга қадар 2 ойдан 6 ойгача вақт ўтган, 25 нафар беморда – 6- 12 ой (25,51%), 20та беморда (20,40%) – 12-24 ой ва 18та беморда (18,36%) – 24-36 ой.

ОБШҚ яраланган беморлар стоматолог кабулида қўйидаги ташҳислар билан даволанган – стоматитларнинг турли шакллари (98дан 35 бемор - 35,71%), бунда даволаш давомийлиги 3 ойдан 2 йилгача чўзилган, дерматовенеролог ва аллерголог кабулида тошмалар ва бирламчи нотўғри ташҳис билан 48 нафар бемор (48,97%) мурожаат қилган. Таъкидлаш лозимки беморлар (35 нафар бемор) шифокорга мурожаат қилганда одатда

Тцанка акантолитик хужайраларига лаборатор тахлил олинган , лекин таххис фақат 27 та ҳолатда тасдиқланган (25,51%).

Асосий 1-гурух беморларнинг 14,8+1,1 пародонт туқимаси соғломлигини; 86,02+2,2% ҳолатда эса СТП кузатилганини; шундан 14,4+1,2% милк қонаши, 35,3+1,8% тиш тошлари, 30,6+1,8% ҳолатларда 4-5 мм тиш-милк чуқурлиги, 7,4+2,1% ҳолатда 6 мм ва ундан кўпроқ чуқурлик аниқланган. 2-гурух беморларда патологик чўнтак 78,3+3,2%, яллиғланиши 22,6+1,1; кузатилган бўлса, асосий гуруҳнинг 30,2+2,0 ҳолатида, назорат гуруҳининг 3,2+3,2% ҳолатида СТП ҳолати кайт этилган.

Клиник натижалари, пурсилдоқ билан бир вақтда СТП патологиялари бўлган инсонларда пародонт туқимасидаги яллиғланиш клиник белгилар оғир кечади; гингивит, чуқур тиш чўнтагида ва тошларни тўплаш ҳоллари мавжуд бўлади, яъни вулгар пўрсилдоқ яра билан оғриган одамларга нисбатан салбий клиник белгилар билан ўтади, терапевтик ва профилактик ёрдам учун тез-тез муружаат қилинади.

Дерматоз шаклидаги пуфакчалар орқали тўқималар яраланиши 96% ҳолатда кузатилади (СТП) - 60,77±6,89% (КГда 5,0±3,45%), ўрта оғирликдаги тарқалган пародонтит (ЎОТП) –18,44±3,5% (КГда 17,0±3,85%) ва енгил даражадаги тарқалган пародонтит (ЕДТП) - 18,39±2,0% (КГда 37,5±7,65%). Шунингдек, СТП билан ҳасталаниш даражаси юқорироқ ва у пўрсилдоқ яра давомийлиги билан боғлиқ: 44,72 ± 2,06% 1 йилгача; 64,0±3,8% - 1-3 йилгача ва 84,4±3,12% - 3 йилдан ортиқ. ЎОТП кўрсаткичлари пасайган ва кўйидагича ифодаланган 23,81±7,84% % - 25,37±3,62% - 1 йил, 11,0±4,01% - 16,0±3,43% - 1-3 йил, 1,8 – 2,6±3,12% йилдан ортиқ.

Зарарланиш давомийлиги пародонтал гигиеник ҳолатини индекслашда жароҳат белгиларининг анатомик ва топографик вариантлари куйидаги жадвалда келтирилган кўрсаткичлар билан кузатилди. (№ 1-жадвал).

№1-жадвал.

Патология даври, йил	вақти	ПИ, балларда	ПМА, фойизда	ОНИ-S, балларда	Қонаши, балларда
Кузатув n=50		2,65±0,15	35,25±1,66	2,87±0,14	1,42±0,10
Пўрсилдоқ ярага чалинган беморлар n=98					
1 йилгача n=26		5,28±0,22°	50,24±2,32°	3,62±0,15°	2,65±0,11°
1-3 йил n=34		6,44±0,31° ^Δ	66,31±3,11°	4,88±0,21°	3,00±0,14°
>3 йил n=38		7,62±0,42° ^{Δ, X}	78,45± 3,62° ^{Δ, X}	5,81±0,27° ^{Δ, X}	9,5±0,17° ^{Δ, X}
Жами n=98		6,66±0,22°	67,65±23°	4,82±0,22°	3,08±0,11

Изоҳ: ° - P<0,05 – кузатувга нисбатан ; Δ - P<0,01 – 1 йил натижаларига нисбатан; X - P<0,01 – 1-3 йил натижаоларига нисбатан

Денситометрия таҳлил вулгар пўрсилдоқ ярага чалинган беморларда, у горизонтал юзада суяк зичлиги бир хиллигда намоён булади, кортикал пластинка қалинлиги ва алвеоляр суяк жараёни вестибуляр ва оғиз бушлиғида унинг мавжудлиги камаяди, деб қайд этилди; тиш илдизи вестибуляр юзасида суяк деструкцияси, вестибуляр юзасида алвеоляр суяк тўқималарининг тил томонида қатлам камайиши кузатилади.

Эритема мавжуд булмаган беморларда пастки жағ суяк тўқимасининг минерал зичлиги 16,16% пасайди (P<0,05); вулгар пўрсилдоқ ярали беморларда -29,04% га(P<0,01); премоляр соҳаларда 18,13% (P<0,05)га ва 27,52% (P<0,01)га; аналогик ҳолат юқори жағда ҳам кузатилди, бунда: моляр соҳада- 16,17% (P<0,05) ва 29,64% (P<0,01), премоляр – 15,2% (P<0,05) ва 28,9% (P<0,01) (жадвал №3.4).

№2-жадвал.

Вулгар пўрсилдоқ яра мавжудлигига мувофиқ пародонтити бўлган беморларда алвеоляр тўқималарнинг минерал зичлиги, %да)

Кузатув	Пастки жағ		Тепедаги жағ	
	Моляр	Премоляр	Моляр	Премоляр
Сурункали генераллашган пародонт яллиғланиши				
СГПЯ яллиғланишида	73,62±3,21°	71,22±3,11°	73,82±2,81°	71,33,3.05°
СГПЯ йўқлигида	62,31±2,66°	60,82±2,81°	61,92±2,65°	59,81±2,45°

Изоҳ: • - P<0,05 КГ (меърий) кузатувга нисбатан; ° - P<0,05) вулгар пўрсилдоқ ярасиз беморларнинг кўрсаткичига нисбатан

Асосий гуруҳнинг стоматологик кўриқдан ўтказиш натижаларига мувофиқ патологик тишлам аниқланди; чуқур тишлов - 32 (32,65%); тўғри тишлов - 12 (12,24%); кесишма тишлов - 15 (15,30) ва бошқа турдаги тишловли патологиялари - 11 беморда (11,22%) беморда, бу курсаткичлар НГда 13 нафар беморда аниқланди (25%); 4 (8%); 3 (6%); 1 (2%) (кетма-кетликда).

Асосий гуруҳда кариес тарқалиши 96,8±2,44; КПУ индекси 18,8±4,46 «У» компонентли - 12,88±4,24; НГда тарқалиш 89,8±2,67; КПУ индекси 14,2±1,86, «У» эса 8,4± 2,24. Асосий гуруҳдаги беморларда ечилмайдиган конструкциялар 21 (21,42%) ва 63 (64,28%) беморда, ортопедик протезлашга муҳтож 48 нафар бемор (48,97%) қисман олинадиган протезга муҳтож ва 11 нафар бемор (11,22%) олинмайдиган протезга муҳтож; ОБ да пўрсилдоқ яра билан оғриган беморларда протезлаш касаллик рецидивлари туфайли доимий равишда қолдирилиб келган. Тишни олиб ташлашга 40

нафар бемор (37%) мухтож бўлган, қисман адентия билан 39 нафар беморда кузатилган (29%); мазкур кўрсаткичлар назорат гуруҳида 19 (38%); 15 (30%); 3 (6%); 17 (34%); 11 (22%); 9 (18%).

ОГда беморларнинг субъектив ва объектив текшируви натижалари бўйича, шикоят кўпинча овқат қабул қилиш вақтида оғриқ синдроми, озиқ - овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш бузилиши -96 нафар беморда(97,95%); таъм сезгиларининг бузилиши-66 нафар беморда (67,34%) кузатилди.



4-расм. Асосий гуруҳдаги беморларнинг объектив ва субъектив белгиларининг тузилиши.

5-Расм. Бемор Б. нинг режали кўриқдаги расми. Касаллик давомийлиги 2 ой. Патологик элементлар шалвираган эрозия шаклида тил устида (а) ва ҳалқум соҳасида, шунингдек юмшоқ танглай ва танглай пардасида (б).



Тиббий-ижтимоий текшириш натижалари 143 та кўриқдан ўтказилган беморларнинг 22таси (15,4%) болалиқда юқумли касалликларни бошидан кечирган, 47тасида (32,9%) шамоллаш касалликларининг рецидивлари кузатилган (ЎРВИ, ангина), 12та бемор (8,4%) болалиқда гепатит А ни бошидан ўтказган, 15та беморда (10,5%) жарроҳлик амалиётлари бажарилган (аппендэктомия, аденоидоэктомия).

Тадқиқот натижасига кўра сўровдан барча 300 та иштириок этиб ОГ, КГ ва СГ натижалари - "Психологик касалликлар"каби кўрсаткичлар 4,1, 3,3, 1,4 балл;" Жисмоний ноқулайлик " 3,8; 1,8; 1,0 балл; "Функциялар чекланиши" - 4,1; 3,1; 2,2 балл ташкил қилди. Бу шуни кўрсатадики, озиқ-овқат чайнаш ёки чекловлар, эстетик норозилик, нутқ нуқсонлари, оғрик хисси энг зарар етказадиган омиллар (3.5-жадвал).

Шу қатори асосий гуруҳдаги беморларнинг ҳаёт сифатига эндоген ва экзоген ҳавф омиллари таъсир қилади: стресс (92,9%), ОБнинг ёмон гигиенаси (92,1%), стоматолог кўригига бориш (85,43% зарурият туғилганда), дори-дармонлар қабул қилиш (47%).

ҲС шкалаларини таҳлил қилганда ОНП-14- UZ бўйича қўйидаги натижалар аниқланди : ОФ - 4,1; ФД - 3,8; ПД - 3,8; ПР - 4,0; ФА – 3,2 , яъни пемфигус билан хасталанган беморлар асосан тиш ва Об билан боғлиқ муаммолардан азият чеккан. ҲС қўйидаги ижтимоий омиллар таъсир қилган : ёш, фаолият шароити, ўз соғлиғига бўлган эътибор (Жадвал 4).

№3-жадвал.

Пўрсилдоқ яра билан хасталанган беморларда ОНП-14- RU шкаласи бўйича ҳаёт сифати кўрсаткичлари, $M \pm m$

ОНП-14-RU шкала бўйича ҲС.	ОГ n=98	КГ n=50	СГ n=96
ОНП-14-RU	27,4±0,15	22,0±0,26	12,0±0,34
Функционал чекланиши (ФЧ)	4,1±0,19	3,4±0,22	2,2±0,22
Жисмоний дискомфорт (ЖД)	3,8±0,63	1,8±0,43	1,0±0,23
Психологик дискомфорт (ПД)	3,8±1,01	2,8±1,01	1,1±1,04
Жисмоний бузилишлар (ЖБ)	3,8±1,03	3,0±1,03	2,0±1,08
Психологик бузилишлар (ПБ)	4,1±0,87	3,3±0,65	1,4±0,44
Ижтимоий чекланишлар (ИЧ)	2,8±1,03	2,4±1,06	0,8±0,01
Зарарли одатлар (ЗО)	2,8±0,23	2,0±0,42	1,4±0,63
Молиявий чекланишлар (МЧ)	3,2±1,08	3,0±1,11	1,4±0,04

Шахсий истаклар (ШИ)	1,6±0,42	1,0±0,64	1,0±0,44
----------------------	----------	----------	----------

Диссертациянинг 4-бобида вулгар пурсилдоқ яра ва сурункали таркалган пародонтит билан хасталанган беморлар кони ва экмасидаги холатининг иммунологик ва биокимёвий тахлили тугрисида материаллар келтирилган. АГдаги лаборатор кўрсаткичлари тахлили 90та (91%) беморда лейкоцитар формула ўзгаришлари; лимфоцитлар 76,42% беморда, гранулоцитлар 26,2% беморда, моноцитлар 75,3% беморда салбий курсаткичларда кузатилса, 90та беморда Вассерман ва ОИВ реакцияси - манфий. Қон тахлилига мувофиқ АГдаги 19 беморда (19,38%), С-реактив оксил аниқланди, миқдори 15,3 ед., пешоб умумий тахлилида 32та беморда (32,65%), шунингдек 28та беморда (28,57%) нисбий зичлик меъёридан баланд эди ҳамда 100 % беморда акантолитик хужайралар аниқланди.

№4-жадвал

Вулгар пўрсилдоқ билан хастаданган беморларда прооксидант ва антиоксидант қон тизими кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар, ЕД.	НГ (n=20)	АГ (n=38)
Малон алдегиди, ммоль/л эритроцитлар p<0,05	4,0±0,82	9,24±0,44
Ўртача вазн молекулалри, а.а.г./мл плазма p<0,001	0,26±0,01	0,48±0,01
Тикланган глутатион, ммоль/л эритроцитлар p<0,05	2,8±0,09	1,6±0,22
Церулоплазмин, мг/л плазма p<0,05	180,9±4,84	130,6±5,06

Изоҳ: p - назорат бўйича кўрсаткичлардаги фарқнинг ишончлилиги даражаси

ВПЯ касалликларида прооксидант қон тизими кўрсаткичларида ишончли ($p<0,05$) ўзгаришлар қайд этилган. Липид пероксидациясининг якуний маҳсулоти бўлган малон алдегид эритроцитларида кг (1,6 марта) миқдорининг ошиши (0,05 марта), шу билан бирга, эндоген интоксикацияси белгиси бўлган ўртача масса молекулаларининг сарум таркибидаги ($p<0,001$) (27,8%) ошиши аниқланди.

Беморларда антиоксидант қон тизими, АГ касалликларида пероксидларни, ксенобиотикларни, хужайра метаболизмининг оралик маҳсулотларини зарарсизлантиришда тананинг редокс реакцияларида фаол иштирок этадиган редукив глутатион эритроцитларидаги назорат

гуруҳининг камайиши (0,01%) нинг ўхшаш кўрсаткичлари билан солиштирганда ишончли ($p < 22,8$) аниқланди.

